

**С.Б. Султонмуродов**

«Узмиллийбанк» АЖ Бош амалиёт филиали

Бош мутахассиси

**Аннотация:** Мазкур тезисда жисмоний шахслар учун чакана банк операцияларини иқтисодий моҳияти ва ва асосий тамойиллари, чакана банк ҳизматларини назарий ва амалий жиҳатлари, Ўзбекистон банк тизимида чакана ҳизматларни ривожланиши истиқболлари кўриб чиқилган. Шунингдек чакана банк ҳизматларини оммаболигини ошириши юзасидан таклифлар берилган.

**Калим сўзлар:** тижорат банки, банк ҳизматлари, чакана банк операциялари, тўловни амалга ошириши, чакана кредит, жисмоний шахс, омонат, банк пластик картаси, туловни амалга ошириши.

Жаҳон хамжамиятида ривожланиб бораётган тижорат банклари фаолиятини замонавий технологияларсиз тасаввур этиш қийин. Замонавий технологияларни қўллаш хамда таклиф этилаётган хизмат турлари банк харажатларини камайтириш билан бирга, мижозлар вақтини тежаш имконини беради.

Айни дамда мамлакатимизда банклараро рақобат шароитида ахолига замонавий банк ҳизматларини кўрсатиш Ўзбекистон тижорат банкларининг муҳим жиҳатига айланмоқда. Бу борада банк молия бозорининг энг жадал ривожланаётган сегменти, яъни чакана ҳизматлари сифати ва қўламини ошириш мақсадида, мижозларга тезкор ва қулай замонавий ҳизмат турларини таклиф этиш мақсадга мувофиқ булади.

Тижорат банкларининг рақобатбардошликни таъминлашида энг самарали йўли мижозларнинг унга бўлган ишончини қозониш ва улар учун

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

барча қулайликларни яратиш, шунингдек, хизматлар тури, сифати ва тезкорлигини ошириш ҳисобланади.

Бугунги кунда жисмоний шахсларга банк операциялари орқали кўрсатиладиган хизматларнинг замонавий йўналишлари тобора муҳим ахамият касб этмоқда. Бу эса ўз йўлида Республикаизда банк инфратузилмасининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошишига хизмат қилмоқда.

Тижорат банклари янги банк хизматларини ривожлантириш, мижозларга тақдим этадиган хизматлар турларини қўпайтириш орқали ўз фаолиятини диверсификация қилиб боради. Замонавий ахборот технологиялар ва янги банк маҳсулотларини пайдо бўлишининг асосий омили банклар ўртасидаги рақобат ҳисобланади, бу эса ўз йўлида банк хизматлари бозорини ривожланишига шароит яратиб келади. Банк хизматлари бозорида рақобат муҳитининг тўлиқ шаклланмаганлиги банк хизматларини ривожланишига таъсир этади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган чакана хизматларини такомиллаштириш борасида долзарб муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал этиш масалалари банклар олдида турган долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.

Чакана банк хизматларининг тижорат банклари фаолияти самарадорлигига таъсири ўта муҳим ҳисобланади ва тўғридан тўғри банк даромадига таъсир кўрсатади. Тижорат банклари, молиявий операцияларни юритиш, кредит бериш, ҳисоб-китоб ва бошқа хизматлар ёки тўлов воситаларини тақдим этиш билан бевосита шуғулланадилар. Чакана банк тадбиркорлик фаолиятига ёрдам беради, молиявий муаммолар ва лойиҳаларни амалга оширишда асосий манбаи сифатида хизмат қиласи. Бу тарзда банклар, тадбиркорлар учун кредитларни олиш, ҳисоб-китобни олиб бориш, валюта операцияларни амалга ошириш ва бошқа молиявий хизматларни тақдим этишга имконият яратади. Шунингдек, улар

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

мамлакатимиздаги иқтисодиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш да ҳам ўз аҳамиятли ролларга эга.

Тижорат банклари орасида, “Узмиллийбанк” АЖ мамлакатимиздаги йирик молиявий институт сифатида фаолият юритиб келмоқда. “Узмиллийбанк” АЖ чакана хизматларининг тижорат банклари фаолияти самарадорлигига таъсири жуда катта ҳисобланади. Ушбу банк, молиявий бозорларда кредит бериш, валюта операциялари, ҳисоб-китоб ва бошқа молиявий ҳудудларда хизматлар кўрсатади. Бу хизматлар орқали тадбиркорлар, корхоналарнинг иқтисодий фаолияти ўзаро ҳамкорликни кўллаб қувватлашади. “Узмиллийбанк” АЖнинг самарадорликлиги, молиявий соҳалардаги ислоҳотларни купайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва мамлакатимизнинг иқтисодиётини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда банк тизимида чакана мижозларга кўрсатиладиган банк хизматлари салмоғи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шунга қарамай, Гарб мамлакатларида кенг фойдаланиладиган банк кредит карталари, қимматли қофозлар, "Internet-banking" орқали жисмоний шахсларга кўрсатиладиган банк хизматлари кенг жорий қилинган.

Янги карта маҳсулотлари келгуси даврда банк карталари билан чакана бизнесни ривожлантириш учун асосий омил бўлади. Карта бизнесини ривожлантириш доирасида ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар соғ комиссия даромадларининг ўсишини таъминлайди. Мижозлар билан масофадан туриб мuloқot қилишнинг муҳим канали товарларни сотиб олиш имкониятини берадиган бозор бўлади. Масофавий каналлар орқали мавжуд бўлган хизматлар сонининг кенгайиши умумий тенденциянинг шаклланишини таъминлайди: анъанавий банк оғисларини четлаб ўтиб, еҳтиёжларни қондирадиган мижозлар сонининг кўпайиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сонли “2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

---

инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

2. М.Х. Сайдқулов “Електрон банк хизматларини ривожлантириш ва банк ишини автоматлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари”, магистрлик диссертация, 2021 йил.

3. Т.М.Каралиев, О.В. Сатторов, И.Ф.Сайфиддинов "Банк фаолияти таҳлили", ўқув қўлланма.

4. Гончарук С. А. Институционалше аспект развитиуа сегмента розничих банковских услуг: дис. канд. екон. наук: 08.00.10 / Сев.-Осет. гос. унт им.